


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
Қурилиш ва уй жой коммунал
хўжалиги вазирлиги
Жамоатчилик кенгаши раиси

 **К.Туляганов**

2026 йил «15» май

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги
Жамоатчилик кенгаши мажлиси
Баёни №5

2026 йил «15» май

Тошкент ш.

Раислик қилувчи: К.Туляганов – Архитектура ва қурилиш соҳаси фахрийлари кенгаши раиси - Жамоатчилик кенгаши раиси

Жамоатчилик кенгаши аъзолари: И.Ахмедов – “Qishloqqurilishloyiha” ДМ директори,
Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари

Б.Хазраткулов – “Узоғирсаноатлойиха” АЖ бош директори

М.Мустапов – Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти директори в.в.б

Б.Убайдуллаев – “ТошуйжойЛИТИ” АЖ бош директори

Ш.Хошимов – “УзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ бошқарма бошлиғи

Б.Садиков - “УзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ бўлим бошлиғи

З.Юсупова - “Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази масъул ходими

М.Загруддинов – Ахборот-коммуникациялар технологияларини ривожлантириш маркази директори

А.Кулдашев – Компетенцияни ривожлантириш институти ректори

Ш.Атажанов – Урбанизация ва шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш Республика маркази директори

Х.Якубов – “Ўзбеккоммуналлойиҳақурилиш ЛИТИ” ДМ
бош директори

Э.Искандаров – “Шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертиза
қилиш республика маркази” ДМ директор ўринбосари

Д.Магдиева – “Ўзбекистон 24” телерадиоканали ижодий
бирлашмаси шарҳловчиси

Таклиф

этилганлар:

С.Усмонов - Матбуот котиби-вазирнинг ахборот сиёсати
масалалари бўйича маслаҳатчиси

Р.Расулов - Инсон ресурсларини ривожлантириш ва
бошқариш бўлим бошлиғи

К.Абдувахҳобов - Йиғма ахборот-таҳлил ва мониторинг
бўлим бошлиғи

Б.Махмудов - Мурожаатлар билан ишлаш ва диспетчерлик
хизмати бўлим бошлиғи

Ж.Файзиев - Коррупцияга қарши курашиш бўлим бошлиғи

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси “Жамоатчилик назорати тўғрисида” Қонунга,
Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг “Фуқаролик жамияти институтларини давлат томонидан
қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари
тўғрисида” 2024 йил 26 августдаги ПФ-124-сон Фармони, Ўзбекистон
Республикаси Президентининг 2018-йил 4-июлдаги ПҚ-383-сон қарори
илоvasи ҳамда тасдиқланган низомга асосан белгиланган топшириқлар
ижросини таъминлаш тўғрисида вазирлик томонидан назорат режасини
ижроси таъминланиши;

Жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар
вазирликнинг расмий веб-сайтида ҳар чоракда эълон қилиб бориш
мажбурияти юклатилганлиги;

2026 йил 1-чорагида кенгаш аъзолари томонидан амалга оширилган
ишлар ҳамда 2-чоракда режалаштирилган топшириқлар ва бошқа масалалар
тўғрисида.

Шундан сўнг, мажлисда Жамоатчилик Кенгаши раиси ўринбосари
И.Ахмедов, Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам бир овоздан юқоридаги
таклифларни вазирликка киритиш лозимлигини маъқуллашди.

Кун тартибдаги масала жамоатчилик кенгаши раиси, ўринбосари ва аъзолари билан биргаликда муҳокама қилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори, вазирлик томонидан тасдиқланган назорат режасига ҳамда тасдиқланган низомга асосан белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида мазкур назорат режасидаги топшириқлар ижроси юзасидан кенгаш раиси К.Тулягановнинг ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин. *(Илова - назорат режасининг ижроси)*

2. Жамоатчилик кенгаши раисининг ўринбосари **И.Ахмедов** ва **кенгаш аъзоларига:**

“Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги низомга ҳамда тасдиқланган назорат режага асосан **2-чорак якуни билан** вазирликнинг бошқарма ҳамда бўлимлари билан ҳамкорликда ишларни амалга оширилиши таъминлансин.


3. Барча кенгаш аъзолари томонидан жорий йилнинг **6 июлга** кунига қадар 2026 йил 2-чорагида амалга оширилган ишлар ҳисоботини кенгашга тақдим этилсин.

4. Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари **И.Ахмедов**, кенгаш аъзолари ҳамда **вазирликнинг тегишли бошқарма ва бўлимлари (масъуллар)** билан биргаликда – вазирликнинг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очиқ эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни доимий равишда жойлаштириб борилиши таъминлансин.

5. Жамоатчилик Кенгаши ўринбосари ва аъзолари доимий равишда соҳа бўйича жамоатчилик фикрларини ўрганиб бориш, саволномалар шакллантириб заруриятга қараб Кенгаш муҳокамасига киритилишини таъминлаш топширилсин.

6. Мазкур баённомадаги топшириқларни ижросини таъминланиши назорат қилиш ўз зиммамда қолдираман.

Кенгаш котиби



Э.Исааков

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 июлдаги ПҚ-3837-сон қарори иловаси ҳамда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2025-йил 3-февралдаги “Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Жамоатчилик кенгашининг янги таркибини тасдиқлаш тўғрисида”ги 5/8-сон буйруғига асосан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги жамоатчилик кенгаши тўғрисида”ги низомга асосан 2026 йил учун тасдиқланган НАЗОРАТ-РЕЖАда 2026 йил 1-чораги учун белгиланган топшириқлар буйича ижросини таъминлаш

№	Хужжат тури, банд тартиб рақами	Топшириқ мазмуни	Топшириқ муддати	Вазирлик ва идоралар номи (Низомга асосан)	Амалга оширилаётган ишлар
1	Низом 2-боб, 8-банд 1-хатбоши	Қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, буйруқларда, шунингдек, давлат, тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурларида жамоатчилик манфаатлари ва жамоатчилик фикри ҳисобга олиниши, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари талаблари ижросини таъминлаш, вазирлик зиммасига юкланган ҳамда ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахл қилувчи вазифалар ва функцияларни бажариш, давлат хизматлари ни кўрсатиш, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни рўёбга чиқариш бўйича давлат	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасидаги қарорлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, техник ҳамда шаҳарсозлик кенгашларида соҳанинг тармоқ ва ҳудудий ривожлантириш дастурлари ҳафтанинг хар пайшанба кунида бўлиб ўтадиган видеоселектор йиғилишларида, шунингдек, вазирликнинг хайъат йиғилишларида жамоатчилик кенгаши раиси ва аъзолари иштироки таъминланмоқда ва назорат ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан: 1) Вазирлар Маҳкамасининг 20.04.2022-йилдаги 200-сон қарори билан тасдиқланган “Қурилиш соҳасида махсус техник шартларни ишлаб чиқиш, келишиш ва тасдиқлаш тўғрисидаги низом”га мувофиқ вазирлик томонидан йўлланган 9-та Махсус техник шартлар кўриб чиқилиб, хулосалар берилди; 2) 17-та ШНҚга ўзгартириш ва қўшимчалар кўриб чиқилиб, тақлифлар берилди; 8-та намунавий лойиҳалар кўриб чиқилиб, келишиб берилди; 4-та масала бўйича вазирликнинг Техник кенгаши муҳокамаларида иштирок этилиди; 3) “Дуал-таълим” дастури доирасида ТАҚУнинг кафедралари билан биргаликда амалиёт дарслари

		органи ва унинг мансабдор шахсларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш			ташкил этилди. Бунда: “Архитектура” йўналишида тахсил олаётган 20 нафар (бакалавр); “Шаҳрсозлик” йўналишида 4 нафар (магистр) талабалар иштирок этди. 3) Мутахассислари малакасини ошириш мақсадида БИМ технологиялари бўйича 3 ойлик амалий ўқув-тренинг ташкил этилди. Ўқув-тренингда институтнинг 6 нафар архитектор ва 7 нафар конструкторлар иштирок этиб, тегишли сертификатларга эга бўл. 4) “Архитектура ва шаҳарсозлик” йўналишларида фалсафа доктори (PhD) ва фан доктори (DSc) илмий даражаларини олиш учун тақдим этилган 8-та диссертатсия ишлари институтнинг Илмий-техник кенгашида кўриб чиқилиб, улар бўйича хулосалар, тақризлар ва далолатномалар берилди.
2	Низом 2-боб, 8-банд 2-хатбоши	биргаликда мулоқот қилиш, вазирликнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун вазирликни фуқаролар билан боғлаб турадиган «кўприк» ролини бажариш;	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Вазирлик фаолиятида очиклик ва ошкораликни таъминлаш мақсадида мунтазам равишда ННТ, ОАВ ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда учрашувлар, семинар ва давра суҳбатлари ташкил этилмоқда. Хусусан, соҳавий йўналишлардаги масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш ва инобатга олиш учун ижтимоий тармоқлар ва расмий веб-сайт орқали сўровномалар ташкил этилмоқда. Шунингдек, вазирлик томонидан амалга оширилаётган ислохотлар, дастур ва лойиҳалар юзасидан жамоатчиликка ахборот бериш мақсадида матбуот анжуманлари ўтказилмоқда. ННТ ва жамоатчилик ташкилотлари иштирокидаги ҳамкорлик лойиҳалари орқали жойлардаги муаммолар ўрганилмоқда ва тегишли таклифлар ишлаб чиқилмоқда. Бажарилган ишлар расмий саҳифаларда эълон қилиб борилмоқда, ОАВ вакиллари ҳам доимий

					таклиф этилмоқда https://mc.uz/oz/view-content/jamoatchilik-kengashi-faoliyati https://gov.uz/oz/mc/activity_page/jamoatchilik-kengashi https://gov.uz/oz/mc/news/view/165889 https://t.me/minstroyuz/39048
3	Низом 2-боб, 8-банд 3-хатбоши	вазирликга нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларидан келиб тушган социал ва ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни умумлаштириш ва баҳолаш;	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик томонидан нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтларидан келиб тушаётган ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар тизимли равишда қабул қилиниб, соҳавий мутахассислар иштирокида кўриб чиқилмоқда. Ушбу лойиҳаларнинг мақсад ва вазифалари, жамият манфаатларига хизмат қилиши, амалга ошириш имкониятлари ва молиявий- иқтисодий жиҳатлари бўйича таҳлил ва баҳолаш ишлари олиб борилмоқда. Келиб тушган лойиҳалар рўйхати шакллантирилиб, уларнинг тегишли соҳалар бўйича амалий татбиқи юзасидан қарорлар қабул қилинмоқда. Шу билан бирга, истиқболли ва самарали деб топилган лойиҳаларни давлат дастурлари ва худудий ривожлантириш режаларига киритиш бўйича таклифлар бериб борилган.
4	Низом 2-боб, 8-банд 4-хатбоши	фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига дахл қилувчи энг муҳим масалалар юзасидан давлат органининг фаолияти ҳақидаги жамоатчилик фикрини tizimли мониторинг қилиш ва ҳар томонлама таҳлил қилиш, социологик сўровлар ўтказиш, жумладан уларни ахборот- коммуникация технологияларидан фойдаланган холда ўтказиш;	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Ўзбекистон Республикаси Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолиятини матбуот хизмати, “Ўзбекистон бунёдкори” газетаси, расмий телеграмм каналлари орқали ёритилиб жамоатчилик фикри ўрганилмоқда ва уни тизимли мониторинг қилинмоқда. Бажарилган ишлар вазирликнинг расмий саҳифаларда ҳам эълон қилинмоқда https://t.me/minstroyuz/37189 https://t.me/minstroyuz/36908 https://t.me/minstroyuz/38411


5	Низом 2-боб, 8-банд 5-хатбоши	вазирлик фаолиятида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги давлат дастурлари ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этиш, коррупцияга қарши курашиш бўйича олиб борилган ишлар устидан мониторинг ва таҳлил ўтказиш, шунингдек, уларнинг натижалари бўйича таклифлар тайёрлаш;	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари	Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида кўрсатилаётган давлат хизматларини рақамлаштириш, инсон омилини чеклаш ва бюрократик тўсиқларсиз амалга ошириш борасида Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида “Коррупциясиз соҳа” лойиҳаси доирасида амалга оширилиши режалаштирилган 2026-2027-йилларга мўлжалланган Йўл харитаси лойиҳаси ишлаб чиқилган бўлиб, Коррупцияга қарши курашиш агентлигига келишиш учун юборилган (07-06/3745-сон, 26.03.2026 йил). Вазирликнинг марказий аппарати Коррупцияга қарши курашиш бўлими томонидан 14 та, ҳудудий ва тизим ташкилотлари томонидан жами 79 та мониторинг ва ўрганишлар ўтказилган. Ўрганиш натижалари бўйича 2 та (Навоий иссиқлик таъминоти МЧЖ, Фарғона иссиқлик таъминоти МЧЖ) ҳолатда аниқланган зарар миқдори жами 8.160 млн. сўмни ташкил этиб, материаллар ХМҚОга юборилган. Шунингдек, 11 та ўрганиш асосида хизмат текширувлари тайинланган, 11 нафар ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган, 2 та ҳолат бўйича хизмат текширувлари тайинланган ва натижаси бўйича материаллар ХМҚОга юборилган, 2 та ҳолатда туман ҳокимликларига тақдимномалар киритилган, 1 нафар ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган, 2 нафар ходим маъмурий жавобгарликка тортилган. Вазирлик тизимида жами 45 та хизмат текширувлари ўтказилган. Улардан 29 таси ХМҚО ва назорат органларининг хатлари асосида, 16 таси ички назорат
---	--	---	--------------------	--	--

					бўлинмаларининг ташаббусига кўра ўтказилган. Хизмат текширувлари натижасида 17 нафар ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилган, 1 нафар ходимига нисбатан маъмурий иш қўзғатилган. Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директорининг ўринбосарлари, шунингдек, ОАВ вакиллари иштирокида, коррупцияга қарши курашиш йўналишидаги ишлар, соҳада амалга оширилаётган рақамлаштириш, очиклик ва шаффофликни таъминлаш борасидаги ишлар юзасидан учрашув ҳамда йиғилиш ўтказилди
6	Низом 2-боб, 8-банд 6-хатбоши	вазирлик фаолиятининг очиклигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган тадбирларни мониторинг қилиш, унинг фаолияти тўғрисида батафсил ахборот олиш имкониятларини таҳлил қилиш, уларни янада кенгайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик фаолиятининг очиклигини таъминлаш мақсадида расмий веб-сайт, ижтимоий тармоқлар ва оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам ахборот тақдим этилмоқда. Фаолиятда амалга оширилаётган ислохотлар, лойиҳа ва дастурлар, қабул қилинган қарорлар, жамоатчилик учун долзарб маълумотлар тўғрисида очик маълумотлар жойлаштирилмоқда. Вазирлик фаолиятида очикликни таъминлаш мақсадида ОАВ билан доимий ҳамкорликда ишлаш таклифи берилган ва шу мақсадда Кенгаш йиғилишларига журналист ва блогерлар доимий таклиф этилмоқда https://t.me/minstroyuz https://gov.uz/oz/mc/news/view/165889 https://t.me/minstroyuz/39048
7	Низом 2-боб, 8-банд 7-хатбоши	вазирликнинг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотларни жойлаштириб	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирликнинг расмий веб-сайтида жамоатчилик кенгаши фаолияти билан боғлиқ очик эълон қилиниши лозим бўлган маълумотлар, курилиш соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар жараёнлари ҳамда

		бориш ҳамда уларнинг ҳар чоракда янгиланиб борилишини таъминлаш;			кенгаш аъзоларининг таклиф ва мақолалари ёритилиб борилмоқда ва уларнинг ҳар чоракда янгиланган борилиши таъминланмоқда. Барча маълумотлар веб сайтнинг қуйидаги бўлимларига доимий жойлаб, янгиланиб борилмоқда https://mc.uz/oz/activity/jamoatchilik-kengashi https://gov.uz/oz/mc/activity_page/jamoatchilik-kengashi
8	Низом 2-боб, 8-банд 8-хатбоши	вазирлик фаолиятини ислоҳ қилишда фуқаролар иштирок этиши учун яратилган шарт-шароитларни ўрганиш ва уларни яхшилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;	Ҳар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик фаолиятида фуқароларнинг бевосита иштирокини таъминлаш мақсадида яратилган механизмлар – жамоатчилик кенгаши, фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, очиқ муҳокама, ижтимоий сўровномалар ва онлайн платформалар фаолияти таҳлил қилинмоқда. Таҳлил натижаларига асосан, фуқароларнинг ислохот жараёнларида фаол иштирокини кенгайтириш мақсадида қатор таклифлар бериб борилмоқда. Шунингдек, соҳавий ислохотлар юзасидан доимий равишда жамоатчилик фикрини ўрганиб бориш ва уни таҳлил қилиш амалиёти жорий қилинмоқда. Бугунги кунда вазирликда жамоатчилик иштирокини таъминлаш, аҳоли ва кенг жамоатчиликни ҳабардор қилиш қилиш учун вазирликда жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилиш тизимли йўлга қўйилган. Мурожаатлар келиб тушиш сонини камайтириш мақсадида раҳбар ва унинг ўринбосарларининг шахсий ва сайёр қабуллари режа-график тасдиқланиб, унга асосан жойларда белгиланган тартибда ўтказилиб келинмоқда. Қабуллар давомида мурожаатчи-ларнинг муаммолари батафсил тингланиб, ўз ечимини топиб келмоқда.
9	Низом 2-боб, 8-банд 9-хатбоши	вазирлик фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган тушунтириш	Ҳар чоракда	Жамоатчилик кенгаши,	Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги фаолияти бўйича фуқаролар ўртасида ўтказиладиган маънавий-марифий тадбирларда вазирликнинг тегишли

		ишлари ва маънавий-маърифий тадбирларда иштирок этиш, уларнинг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш;		Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	масъуллари билан биргаликда иштирок этилмоқда ва самарадорликни ошириш бўйича таклифлар бериб борилмоқда. https://gov.uz/oz/mc/news/view/165889 https://t.me/minstroyuz/39048
10	Низом 2-боб, 8-банд 10-хатбоши	вазирлик ходимлари ва улар оилаларининг уй-жой, ижтимоий-маиший, хизмат шарт-шароитларини, уларга малакали тиббий ёрдам кўрсатиш шароитларини, шунингдек, ишдан бўшатишган ёки захирага олинган ходимларни ижтимоий ва касбий мослаштириш бўйича муаммоларни комплекс таҳлил қилиш ҳамда таҳлил яқунлари бўйича мазкур шароитларни яхшилаш юзасидан таклифлар киритиш.	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Вазирлик ва унинг тизимидаги ташкилотлар ходимларига Тошкент шаҳар, Бектемир туманида барпо этилган “Янги Ўзбекистон” массивидан уй-жойлар олишган. Шунингдек, “Янги Тошкент” шаҳрида барпо этиладиган кўп қаватли уй-жойлардан вазирлик ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари учун уй-жойларга талаб “Янги Тошкент” қурилиш дирекциясига тақдим этилган. Доимий равишда вазирлик ва унинг тизими ходимларининг уй-жой, ижтимоий-маиший хизмат шарт-шароитларини яхшилаш режалаштирилган. https://gov.uz/oz/mc/activity_page/jamoatchilik-kengashi https://gov.uz/oz/mc/news/view/165889 https://t.me/minstroyuz/39048
11	Низом 3-боб, 22-банд 3-хатбоши	Жамоатчилик кенгашининг йиғилишлари ва кун тартибидаги масалалар вазирликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш	Хар чоракда	Жамоатчилик кенгаши, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги	Жамоатчилик кенгаши фаолиятининг очиқлигини таъминлаш мақсадида унинг йиғилишлари ва кун тартибидаги долзарб масалалар вазирликнинг расмий веб-сайтида доимий равишда эълон қилинмоқда. Топшириқ ижроси доимий бажарилмоқда, ўтказилган йиғилишлар веб сайтнинг қуйидаги бўлимига доимий жойлаб борилмоқда https://mc.uz/oz/view-content/jamoatchilik-kengashi-faoliyati https://gov.uz/oz/mc/activity_page/jamoatchilik-kengashi

Архитектура ва қурилиш соҳасида Фахрийлари кенгаши раиси
- Жамоатчилик кенгаши раиси



К.Туляганов